

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2025 йил 22 апрель куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи: В.Сиддиков, ҳайъат судьялари: А.Омонов ва Б.Хайдаровдан иборат таркибда, Х.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори М.Эрматов ва ҳимоячи Ў.Мамажоновларнинг иштирокида, М.Сга оид жиноят ишини унинг тафтиш шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 27 августдаги ҳукмига кўра:

М.С.М, ўзбек, маълумоти олий, Данғара тумани “Барака-1” фермер хўжалигида иш юритувчи, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясининг 2024 йил 28 августдаги ажрими билан ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2023 йил 19 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а, г” бандлари, 205-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 2 йил банк тизимида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва базавий ҳисоблаш миқдорининг 305 баравари миқдорида 82.350.000 сўм жарима жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Данғара туман судининг 2024 йил 25 январдаги ажримига кўра, ЖКнинг 44,59-моддалари тартибида, жарима жазоси 1 йил 7 ой 1 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, тайинланган жазолар қисман қўшилиб, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазони 2 йил 10 ой 13 куни ўталмаган, яшаган, 2024 йил 25 мартда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 йил банк тизимида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой, 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 2 йил, 228-моддасининг 3-қисми билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан



8 йил, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида 2 йил банк тизимида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 8 йил 3 ой, ЖКнинг 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддаси тартибида 2 йил 6 ой банк тизимида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Мазкур ҳукм билан К.Турсунов ва М.Назировлар ҳам судланган бўлиб, ишнинг уларга оид қисми муҳокама қилинмади.

Фарғона вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 6 февралдаги ажрими билан суд ҳукмини М.Сга оид қисми ўзгартирилиб, ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан тайинланган жазо бекор қилиниб, ушбу модда билан жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги сабабли ЖПК 463-моддаси 3-қисмининг 2-бандига асосан жазодан озод қилиниб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида, 2 йил 6 ой банк тизимида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 8 йил 5 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.С “Агробанк АТБ” Қўқон филиали бошқарувчиси ўринбосари лавозимида ишлаб келиб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда 2018 йил 19 сентябрида “Агробанк” АТБ Қўқон филиалидан Малибу-2 русумли автомашина сотиб олиш учун 3 йил муддатга йиллик 26 фоиз устама тўлаш, олдиндан 25 фоиз миқдорида дастлабки бадал маблағларини шакллантириш шарти билан 275.781.751 сўм кредит олган жабрланувчи А.Холматовдан 2020 йил октябрь ойида кредит тўловидан бўлган 30.000.000 сўм қарздорлигини кассага тўлаб қўйишини айтиб алдаб олиб, 30.000.000 сўмини;

қисми ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 3-бандига асосан тугатилган банк кредит бўлими мутахассиси С.Ходжаев, К.Турсунов ва М.Назировлар билан олдиндан тил бириктириб, 2018 йил декабрь ойида С.Ходжаевни таниши ЯТТ К.Турсунов номига банкдан 230.000.000 сўм кредит чиқарилиши, 30.000.000 сўм унга берилиши, қолган 200.000.000 сўм кредит маблағларини таниши М.Назировни эски кредит қарздорлиги учун тўлов қилинишини режалаштириб, К.Турсунов билан 2018 йил 14 декабрда “Агробанк АТБ” Қўқон филиали ўртасида 578-сонли кредит шартномаси тузиб, 2018 йил 19 декабрдаги Ипотека шартномасига тадбиркор М.Назировнинг “Қўқон савдо” МЧЖ балансидаги Қўқон шаҳар, Мовароуннахр 2-тор кўчасида жойлашган бино-иншоотини гаров сифатида, шунингдек, кредитнинг гаров таъминоти сифатида “Эзгулик орастаси” ШК билан 50.000.000 сўмлик кафиллик шартномаси кўйиб, банкдан К.Турсуновнинг номига 230.000.000 сўм кредит маблағларини чиқарилишига эришиб, ушбу маблағларни 200.000.000 сўмини “Эзгулик орастаси” ШКнинг “Агробанк” АТБ Қўқон филиалида бўлган кредит қарздорлигини бартараф қилиш учун, қолган 30.000.000 сўмини С.Ходжаев ва К.Турсуновлар билан ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб, ушбу кредит маблағлари сўндирилмаган бўлса-да, 2020 йил 11 февралда “Агробанк” АТБ Қўқон филиали номидан кредит таъминотига қўйилган тақиқ бекор қилинганлиги ҳақида 61-сонли ёзма хат тайёрлаб, бошқарувчиси Ж.Зайнобиддинов ва банк юристи Қ.Қулматовларни имзоларини сохталаштириб, қалбаки ҳужжат тайёрлаб, нотариал идоралар ва кадастр агентлигига тақдим қилиб, сўндирилмаган кредит қарздорлиги бўйича гаров таъминоти бўлган “Қўқон савдо” МЧЖнинг балансидаги Қўқон шаҳар,



Мовароуннахр 2-тор кўчасида жойлашган бино иншоотини тақикдан ечиб юборганликда;

2022 йил 14 июлда такроран, жабрланувчи А.Онорбоевга АТБ “Агробанк” Кўқон филиалига 30.000 АҚШ долларини (328.069.500 сўм) 7 фоизлик омонатга қўйиб, пулларини кўпайтириб олиши мумкинлигини айтиб алдаб, ундан 30.000 АҚШ долларини АТБ “Агробанк” Кўқон филиали бинотида олиб, гўёки омонатга қўйганлигини ёлғондан айтиб, пуллар омонатга қўйилганлиги ҳақида АГ-0524647 серия рақамли сохта омонат дафтарчасини А.Онорбоевга бериб, ушбу омонат дафтарчасидан фойдаланиб, пулларини банк омонатига қўймасдан, шахсий эҳтиёжи учун сарфлаб юборганликда айбланган.

М.С тафтиш шикоятда, банк бошқарувчиси Ж.Зайнобиддинов, марҳум банк ходими С.Ходжаев билан келишиб, муаммоли кредитни сўндиришга келишилгани, Ж.Зайнобиддиновни топшириғи билан кейинчалик қайтарилишини ваъда қилгани учун А.Онорбоевдан 10 000 АҚШ доллари олингани, А.Онорбоевдан 30 000 АҚШ доллари олмани, ишни адолатли ҳал қилишни сўраган.

Шикоятга нисбатан эътирозномалар келиб тушмаган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Б.Хайдаровнинг маърузасини, прокурор М.Эрматовнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш, ҳимоячи Ў.Мамажоновнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд, иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, судланган М.Снинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқоридаги жиноятларни содир этганликдаги айби, айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, судланган К.Турсунов ва М.Назирова, жабрланувчи А.Онорбоев ва А.Холматов, фуқаровий даъвогар вакили Қ.Қулматов, гувоҳ Р.Махмудов, Ж.Зайнобиддинов, Ж.Махмудов, Я.Махмудов ва А.Назировларнинг кўрсатувлари, “Агробанк” АТБнинг 2023 йил 28 декабрдаги ва ИЖКҚД Кўқон шаҳар бўлимнинг 2022 йил 17 декабрдаги маълумотномалари, тақдим этилган СД дискни кўздан кечириш ва сўзлашувларни эшитиш, далилий ашёни олиш, кўздан кечириш ва юзлаштириш баённомалари, ипотека шартномаси ва банк ҳужжатлари, хизмат текширув ва суд хатшунослик экспертизасининг 2023 йил 23 декабрдаги 108-сонли хулосалари, шартнома ва маълумотномалар, Кўқон шаҳар “Эзгулик Орастаси” шўба корхонасига ажратилган кредит ҳужжатлари ва иловалар ҳамда жиноят ишида тўпланган объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ исботлангани ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракатлари ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 228-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилган.

М.С шикоятда, айбсизлиги ҳақида важлар келтирса-да, унинг бу важлари, ўзининг суддаги, А.Онорбоевдан 30.000 АҚШ доллар қарз бўлганлиги, А.Онорбоев шунча миқдорда қарздорлиги борлиги тўғрисида бирор-бир ҳужжат



қилиб беришини сўраганида, унга ишонтириш мақсадида 2022 йил 14 июлда қайд қилинган “Агробанк” АТБ Қўқон филиали номидан АС0524647 рақамли унинг номига омонат дафтарчаси очиб, ундан 30.000 АҚШ доллари 7 фоизлик омонатга қўйилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни ўзи имзолаб, муҳрлаб бергани, А.Онарбоевдан олган пулларини муаммоли тўланмаган кредитларга тўлагани, пулларни айнан кимларни номидаги кредитларга тўлаганлигини эслолмаслиги, 2018 йил 14 декабрда ЯТТ Қ.Турсунов томонидан кредит ажратишни сўраб берган аризаси юзасидан унинг аризаси билан танишиб чиққанида айланма маблағи учун 230.000.000 сўм миқдорда 18 ойга кредит беришликни, бунинг учун кредитни ўз вақтида кафолатлаш учун “Қўқон савдо” МЧЖга тегишли Қўқон шаҳар Мовароуннаҳр 2-тор кўчасида жойлашган нотурар бино-иншоотни гаров таъминоти ва “Эзгулик орастаси” шуъба корхонасини кафиллиги қўйилгани, кредит ажратиш учун С.Ходжаев тайёрлаб кирган ҳужжатларига ўзи имзо қўйиб бергани, ЯТТ Қ.Турсуновга ажратилган 230.000.000 сўм кредит муддати ўтган бўлса-да, тўлиқ тўлаб берилмаганлиги сабабли, ушбу тадбиркорни чақиртириб гаплашганида, у ажратилган кредитни 30.000.000 сўмини олгани, қолган 200.000.000 сўмни олмаганлигини билгани, 2020 йил 11 февралда ЯТТ Қ.Турсуновга ажратилган 230.000.000 сўм кредит учун гаров таъминоти сифатида “Қўқон савдо” МЧЖ томонидан Қўқон шаҳар, Мовароуннаҳр 2-тор кўчасидаги нотурар бино-иншоотга қўйилган тақиқни ечиш юзасидан нотариал идорада юборилган алоқа хатидаги имзо ўзига тегишли эканлиги, ушбу алоқа хатига имзо қўйишидан мақсад ўша вақтда “Эзгулик орастаси” ШКнинг раҳбари М.Назировни 200.000.000 сўмлик кафиллик шартномаси бўлгани, шунингдек, 2020 йил октябрь ойида А.Холматовнинг кредит тўловлари 30.000.000 сўм қолганида А.Холматовга охириги кредит қарздорлигини тўлаб қўйишини айтгани, А.Холматов ўзи узоқда эканлиги, бир таниши унга пулларни олиб бориб бериши, ўша пулларни кредит тўлови учун тўлаб қўйишини айтгани, А.Холматовни танишидан бериб юборгани, 12.000.000 сўмни олгани, олган пулларни кредит тўловлари учун тўлаб қўйгани, лекин А.Холматовни кредит тўловлари тўлиқ тўланмаганлиги сабабли, унинг кредит қарздорликлари кўпайиб бораётганлиги, уни тўлаб қўйишини айтгани, А.Холматовга 20.000.000 сўм бериб турса, ушбу кредит қарздорлигини тўлаб юборишини, ушбу 20.000.000 сўм миқдоридagi пулларни бир-икки ойда қайтариб беришини айтгани, А.Холматовдан қарз эвазига келишиб олган 20.000.000 сўмни бир ойда қайтариб бергани, банк бошқарувчиси Ж.Зайнобиддиновнинг кўрсатмасига асосан 2018 йил декабрь ойида унинг хонасида ўзи ва марҳум С.Ходжаевлар иштирокида маслаҳатлашиб, “Эзгулик орастаси” раҳбари М.Назиров номига 230.000.000 сўм кредит расмийлаштирилгани, шундан 200.000.000 сўмни гаров қўйган одам олиши, М.Назиров 30.000.000 сўм олишини айтиб келишгани, кредит маблағлари ажратилиб, шундан 130.000.000 сўм ЯТТ И.Набиевга, 100.000.000 сўм ЯТТ Э.Акбаровга чиқарилгани ҳақидаги;

судланган К.Турсуновнинг, 2018 йил декабрь ойида С.Ходжаев “Агробанк” АТБ Қўқон филиали бошқарувчисининг ўринбосари жиянини меҳмонхонаси учун кредит чиқариб беришлиги, агарда номига 230.000.000 сўм кредит олса, уни 30.000.000 сўмини ўзига беришлигини, қолганини бошқарувчининг ўринбосари “Музаффар” жиянига беришлиги, кредит



тўловларини ўзлари тўлаб юришлиги, гаровга ўшаларни ўзи мулк қўйиб беришлиги, ўзига бериладиган 30.000.000 сўмни тўлаб беришлиги, агарда “Музаффар”ни жияни кредит пулларини тўлай олмаса, ундириш гаровга қўйилган мулкка қаратилишини айтганида, унга ишониб ҳужжатларни тайёрлашини, номига олаверишлигини айтгани, С.Ходжаевдан бериши лозим бўлган 30.000.000 сўмни сўраганида, у 17.000.000 сўм бергани, С.Ходжаевдан кредит бўйича сўраганида “Музаффар” олаётганини айтгани ҳақидаги;

судланган М.Назировнинг, М.С бир неча маротаба ундан қарзга пул олиб юргани, у ҳисобидаги пулларни турли жойларга ўтказиб фойдаланиб келгани, Қ.Турсуновга ажратилган 230.000.000 сўмдан хабари бўлмагани, кредит ажратилиши билан боғлиқ ишларни банкнинг бошқарувчиси ўринбосари бўлган М.С шуғуллангани, ушбу пуллар уни ҳисобига тушмагани, М.С ундан Мовароуннахр кўчаси, 2^а-уйда жойлашган нотурар бинони гаровга қўйиб бериб туришлиги ҳақида сўрамагани, ЯТТ Қ.Турсуновни номига олинган кредит уни банкдан бўлган қарздорлигини ёпиш учун олинмагани ҳақидаги;

жабрланган А.Онорбоевнинг, М.С пулини омонатга қўйиб, пулини кўпайтириб олишини айтганида, уни ва дадасини яхши таниганлиги учун рози бўлгани, 2022 йил 14 июлда соғлиғи яхши бўлмаганлиги сабабли, уни ёнига қўлтиқтаёқда жами 30.000 АҚШ доллари олиб, бир ўзи Қўқон шаҳридаги Агробанк ёнига боргани, у ерда М.С кутиб олиб, ўша ердаги манзарали дарахтни тагида жойлашган ўриндиққа ўтириб, М.Сга жами 30.000 АҚШ доллари берганида, у пулларни тўлиқ миқдорда санаб, қабул қилиб олгани ва пулларни банкка 7 фоизлик омонатга қўйишлиги, уни номига омонат дафтарчасини очтириб, олиб чиқиб беришини айтиб, ўзи пулларни банкка олиб кириб кетгани, ўзини банкка киритмагани, кейин омонат дафтарчаси ҳали тайёр бўлмаганлиги, дафтарча тайёр бўлиши билан ўзи олиб бориб беришини айтгани, эртаси куни банкка келиб, М.Сга қўнғироқ қилиб, ёнига келганини айтганида, у “Агробанк” АТ томонидан берилган АГ 0524647-серия рақамли омонат дафтарчасини тақдим қилгани, ушбу дафтарчада омонатга 30.000 АҚШ доллари қўйилгани ёзилгани, М.Сга пулни омонатга қўйишда бирор -бир ҳужжатга имзо қўймаганини айтганида, у ушбу дафтарчадаги имзо ва муҳрларни кўрсатиб, бу ҳақиқий ҳужжат эканлигини айтгани, омонат масаласида М.Сдан бошқа банк ходими гаплашмагани, 2023 йил ёз ойларига келиб, М.С билан кўришиб, омонатга қўйилган пулларни қайтариб олиб беришини айтганида, у ҳар-хил баҳоналар қилиб, қочиб юргани, М.Сни алдаётганлигини билиб, ариза ёзгани ҳақидаги;

жабрланган А.Холматовнинг, 2018 йил ёз фаслида Х.Махмудов ва жияни Ж.Махмудов билан бирга “Агробанк” АТ Қўқон филиалига боришгани, у ерда уларни “Пахлавон” исмли автокредит бўлимини бошлиғи кутиб олгани, “Пахлавон”га паспорт нусхасини бериб, Малибу-2 русумли автомашина сотиб олиш учун ўзини номига “Автотрейд” билан банк ўртасида 3 томонлама шартнома қилингани, шартномага кўра, банкка машинани жами нархи 275.781.751 сўм, шундан 25 фоизни 69.000.000 сўмга яқин пул тўлаши лозим бўлгани, шундан 19.000.000 сўмни Х.Махмудовга бергани, ундан бўлган 50.000.000 сўм қарзини қўшиб, жами 69.000.000 сўмни дастлабки 25 фоиз тўлов сифатида банкка тўлагани, кейин бир-икки марта ўзи бориб автокредитдан бўлган ойлик графикдаги пулларни банкни кассасига тўлаб келгани, қолган



қисмини сафарда ишлар билан юргани учун поччаси М.Махмудов орқали банкка ўз вақтида тўлаб юргани, 3 ойдан сўнг пул зарурлиги учун Малибу-2 русумли ушбу машинани нақд 30.000 АҚШ долларига сотиб юборгани, олган шахсни номига ўтказиб бергани, машинани нима сабабдан гаровга қўйилмаганидан хабари бўлмагани, 2020 йил 19 февралда Х.Махмудов тўсатдан вафот этганлиги сабабли, унга АТБ “Агро банк” Қўқон филиали бошқарувчиси ўринбосари М.С.Х.Махмудовни вафот этгани, шу сабабли кредит тўловини муддатидан олдин тўлаб беришини айтгани, 2020 йил март ёки апрель ойларида АТБ “Агро банк” Қўқон филиалига бориб, охириги маротаба 2020 йил октябрь ойи охириларида сафарда бўлганлиги сабабли поччаси М.Махмудовга АТБ “Агро банк” Қўқон филиалига бориб, М.Сга учрашиб, унинг қўлига нақд пул кўринишида 30.000.000 сўмни бериб келишини айтгани, АТБ “Агро банк” Қўқон филиали эшиги тагида М.С поччасидан нақд 30.000.000 сўм олиб қолгани, М.С шу куни иш вақти тугагани, касса беркилганлиги ва тўлов квитанциясини эртаси куни беришини айтгани, ўзи ҳам у билан телеграм ёки телефонда гаплашганида квитанцияни эртаси куни ёзиб беришини айтгани, кейин поччаси М.Махмудов ҳам бориб квитанция олмагани, шу охириги 30.000.000 сўм билан муддатидан олдин автокредит тўлиқ беркитилиши лозим бўлгани, М.С кредит тўловни ёпилганини айтганлиги сабабли автокредит тўловини тўлиқ тўланган деб ҳисоблаб юргани, 2022 йил июнь ёки июль ойларида АТБ “Агро банк” Қўқон филиали ходимлари автокредит бўйича қарздорлигини тўлашини сўраб боргани, бу ҳақида уйдагилари айтишганлиги сабабли М.Сга телефон орқали боғланганида у банк ходимлари адашиб боришгани, база янгиланаётганлиги сабабли тўлов кўринмаган бўлиши мумкинлигини айтгани, 2022 йилнинг июль ойларига АТБ “Агро банк” Қўқон филиали бошқарувчиси номидан 2022 йил 19 июль ҳолатига юқоридаги автокредит бўйича муддати ўтган 48.780.000 сўм қарздорлик ҳақида огоҳлантириш хати келгани, кейинчалик М.С поччаси орқали олган 30 000 000 сўмни автокредит учун тўламагани ҳақидаги;

фуқаровий давогар Қ.Қулматовнинг, банкда фаолият олиб бориши давомида ЯТТ Қ.Турсуновга 2018 йил 18 декабрда айланма маблағларни тўлдириш учун 18 ой муддатга йиллик 24 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 230.000.000 сўм кредит ажратилганлиги, ушбу кредит олиш учун гаров таъминоти сифатида Қўқон шаҳар, Моварауннаҳр 2-тор кўчасидаги “Қўқон савдо” МЧЖнинг ер майдони 484 кв.м бино-иншоот нотариал тартибга гаровга қўйилгани, 2022 йил 15 июлда ЯТТ Қ.Турсунов олинган кредит қарздорлигини тўланмаган қисми бўйича Қўқон туманлараро Иқтисодий судига банк номидан даъво ариза билан мурожаат қилгани, суд томонидан даъво ариза қаноатлантирилиб, ЯТТ Қ.Турсуновдан кредит қарздорлиги ундирилиши юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилиб, ижрога қаратилгани, МИБ давлат ижрочиси О.Юлдашев ижро иши қўзғатиб, ЯТТ Қ.Турсуновдан банк фойдасига кредит қарздорлигини ундириш учун у гаровга қўйилган мулк яъни, “Қўқон савдо” МЧЖга тегишли Қўқон шаҳар, Моварауннаҳр 2-тор кўчасида жойлашган бино-иншоотни хатлашга қаратган вақтида, ушбу бино 2020 йил 17 февраль куни “Эзгулик орастаси” ШК томонидан гаров таъминоти сифатида қўйилиб, банкдан 220.000.000 сўм кредит олингани маълум бўлгани, сўнг нотариус орқали “Қўқон савдо” МЧЖга тегишли Қўқон шаҳар, Моварауннаҳр 2-тор кўчасида жойлашган бино-иншоотни тақиқда турганлиги ҳолатини текширган вақтида, ушбу жой



2020 йил 11 февралдаги филиал бошқарувчиси томонидан нотариусга берилган алоқа хати орқали тақиқдан ечилганлигини билгани, шунда кредит қарздорлиги тўланмасдан нима сабабдан гаров объекти бўйича тақиқ ечилганлигини аниқлаш бўйича шаҳар прокуратурасига ариза билан мурожаат қилганлари, 2020 йил 11 февралда нотариусга берилган филиал бошқарувчиси Ж.Зайнобиддинов, ўша вақтда Бек офис бошлиғи бўлган М.С ва уни номидан тайёрланган алоқа хатини кўрсатишганида, у ердаги имзо ўзига тегишли эмаслигини билдиргани, ҳақиқатда нотариусга тақиқни ечиш бўйича алоқа хатини бермагани, ундаги имзо ўзига тегишли эмаслиги ҳақидаги;

гувоҳ Р.Махмудовнинг, А.Холматов томонидан ёзиб олинган аудио ёзувда банк бошқарувчиси ўринбосари М.С томонидан А.Холматовдан олган 30 млн сўмни нақд кўринишида олганлиги тасдиқланган бўлса-да, бу ҳолатни хизмат текшируви хулосасида юрист Б.Тўйчиев томонидан ёритиб ўтилмагани ҳақидаги;

гувоҳ Ж.Зайнобиддиновнинг, ЯТТ Қ.Турсуновга 230.000.000 сўм ажратиш юзасидан 578-сони кредит шартномаси имзоланиб, гаров таъминоти сифатида Қўқон шаҳар, Моворауннахр 2-тор кўчасида жойлашган “Қўқон савдо” МЧЖнинг ер майдонида жойлашган бино иншоот нотариал тартибда гаровга қўйилгани, ушбу тадбиркор кредит муддати ўтганидан сўнг ҳам кредит қарздорлигини тўламасдан келаётганини билгани ва ҳар гал йиғилишларда ундан кредит қарздорлигини ундириш бўйича топшириқлар бергани, ўринбосари М.Сиддиқов ҳар гал шуғулланаётганини айтиб юравергани, 2023 йил ноябрь ойида уни Қўқон шаҳар прокуратурасига борганида гаровга қўйилган мулк ўзини номидан берилган алоқа хатига асосан 2020 йил 11 февралда тақиқдан ечиб юборилгани билгани, прокуратура органида ушбу алоқа хатини кўрган вақтида, тақиқни ечиш бўйича берилган хатдаги имзо ўзига тегишли эмаслигини билдиргани, ЯТТ Қ.Турсуновни, гаров эгасини ва Қўқон савдо МЧЖ раҳбарини кимлигини танимаслиги, улар билан гаплашмагани, кейинчалик ушбу ишларни ўринбосари М.С ва кредит бўлими ходими марҳум С.Ходжаевлар ноқонуний тарзда амалга оширганини билгани, М.Сни А.Онорбоевдан омонат учун 30.000 АҚШ доллари олганидан ҳам хабари бўлмагани, М.Сга пул олиб муаммоли кредитларни ёпишни айтмагани ҳақидаги;

гувоҳ Ж.Махмудовнинг, А.Холматов томонидан М.С ўртасида бўлган сўзлашув ёзиб олингани, М.С билан телефонда гаплашганида 30.000.000 сўмни кредит учун тўланмаганлиги, система базаси яхши ишлатмаётгани, бу масалани ўзи ҳал қилиб беришини айтгани ҳақидаги;

гувоҳ Я.Махмудовнинг, М.С А.Холматовдан авто кредит учун 30.000.000 сўм олганлиги ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек, ишда тўпланган бошқа далиллар билан рад қилинади ва судлов ҳайъати томонидан жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида келтирилган важлар деб баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, маҳкумга ахлоқан тузалиши, у ва бошқа шахсларнинг жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши;

ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм айбдорга нисбатан жазо у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши белгиланган.



Биринчи инстанция суди М.Сга жазо тайинлашда, юқоридаги қонун талаблари ва Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандидаги, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилиши ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, унинг айбига иқроор ва қилмишидан пушаймонлиги, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, оғир турдаги жиноятлар содир этгани, етказилган моддий зарарлар қопланмагани инобатга олиб, модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, асосли хулосага келган.

Зеро, суд томонидан М.Сга нисбатан жазо у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб, тури ва миқдори жиҳатдан меъёрида тайинланиб, бу билан жазолашдан кўзланган мақсадга эришилади.

Бундай ҳолда суд қарорларини қонунсиз, асоссиз ва адолатсиз деб топиш мумкин эмас.

Шу сабабли, судлов ҳайъати М.Сга оид суд қарорларини ўзгаришсиз, унинг тафтиш шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴ ва 521⁶-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

М.С.Мга нисбатан чиқарилган Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2025 йил 6 февралдаги ажрими билан ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2024 йил 27 августдаги ҳукми ўзгаришсиз, унинг тафтиш шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:	/имзо/	В.Сиддиков
Ҳайъат судьялари:	/имзо/	А.Омонов
	/имзо/	Б.Хайдаров

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья: Б.Хайдаров

